

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Трастбанк” хусусий
акциядорлик банки

Банк Кузатув кенгаши раиси

Т.М. Шарипов


2023 йил 3 августдаги 102-сон



“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Вазир ўринбосари



2023 йил 27 сентябрь

2002-27-сон

АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ (ҚЎШИМЧА) ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки

Идентификация рақами берилди:

R U I 2 7 P O O 2 2 R 7

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 1 000 (Бир минг) сўм бўлган, 440 000 000 (Тўрт юз қирқ миллион) дона оддий акциялар

Акцияларнинг ушбу чиқарилуви очик обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши XXVII (йигирма еттинчи)-чиқарилишдир.

Тасдиқланган: “Трастбанк” ХАБ Кузатув кенгаши йиғилишининг
2023 йил 3 августдаги 102-сонли баённомаси;

Қарор қабул қилинган: “Трастбанк” ХАБ Кузатув кенгаши йиғилишининг
2023 йил 3 августдаги 102-сонли баённомаси.

Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳар, Шайхантохур тумани, Навоий
кўчаси, 7 уй;

Мулоқот телефонлари: 1287, (71) 207-36-44, (78) 140-00-88.

Банкнинг электрон почта манзили: info@trustbank.uz.

Банкнинг расмий веб-сайти: www.trustbank.uz

Бошқарув Раиси

Бош бухгалтер



С. Нормухамедов

А. Маматқулов

Сана: 2023 йил “ ” август

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий**;
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз**;
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 000 (бир минг) сўм**;
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **440 000 000 (тўрт юз қирк миллион) дона**;
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **440 000 000 000 (тўрт юз қирк миллиард) сўм**;
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари - **Чиқарилаётган ҳар бир акция унинг эгасига Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 26-27-моддалари ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларни беради.**

Банкнинг оддий акциялари эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тегишли банк акциядорларининг реестрига киритилиш;
- инвестиция воситачисидаги ДЕПО ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;
- банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
- банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва банк устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан банк уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Потенциал инвесторларга акцияларини сотиб олиш бўйича Банк уставига мувофиқ қуйидаги чеклашлар белгиланган. Жумладан инвестор:

- банк устав капиталининг беш ва ундан кўпроқ фоизини, лекин кўпи билан йигирма фоизни (шакллантирилган банк устав капиталини беш фоизгача бўлган акциялар пакетини сотиб олиш бундан мустасно);
- йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

- эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охири бенефициар мулкдорнинг шахсини ошқор қилиш ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этиш назарда тутилмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ва шундай давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахслар банкнинг муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас.

8. Банк устав капиталининг миқдори (сўм): 560 250 000 000 (беш юз олтмиш миллиард икки юз эллик миллион) сўм;

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Акцияларнинг умумий сони 560 250 000 (беш юз олтмиш миллион икки юз эллик минг) дона. Шундан:

- ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акция - 560 227 000 (беш юз олтмиш миллион икки юз йигирма етти минг) дона;

- ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция - 23 000 (йигирма уч минг) дона.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк томонидан жами уч марта корпоратив облигациялар муомалага чиқарилган.

1. Банк томонидан 2010 йил 6 августда РО849-сон билан ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 000 (бир миллион) сўм бўлган 3 000 (уч минг) дона фоизли корпоратив облигациялар муомалага чиқарилган. Облигацияларнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси миқдорида белгиланиб жойлаштирилган. Мазкур облигациялар 2015 йил 29 августда тўлиқ сўндирилган.

2. Банк томонидан 2012 йил 26 июнда РО849-2-сон билан ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 000 (бир миллион) сўм бўлган 1 000 (бир минг) дона фоизли корпоратив облигациялар муомалага чиқарилган. Облигацияларнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси миқдорида белгиланиб жойлаштирилган. Мазкур облигациялар 2017 йил 19 июлда тўлиқ сўндирилган.

3. Банк томонидан 2013 йил 26 июлда РО849-3-сон билан ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 000 (бир миллион) сўм бўлган 2 000 (икки минг) дона фоизли корпоратив облигациялар муомалага чиқарилган. Облигацияларнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси минус 1 фоиз миқдорида белгиланиб жойлаштирилган. Мазкур облигациялар 2018 йил 15 августда тўлиқ сўндирилган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Банк акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этилган ҳолда очиқ обуна орқали жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси – биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдиришномаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан кейин – 15 (ўн бешинчи) кун.

Акцияларни қимматли қоғозларни биржа савдолари орқали жойлаштириш, ушбу чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагандан кейинги кун.

Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш ушбу кунлардан кейин келадиган биринчи иш кунда бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Акцияларни жойлаштиришнинг тартиби – қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда банк уставининг 53-55-бандларига асосан банк акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома белгиланган тартибда эълон қилинган пайтдан эътиборан 14 (ўн тўрт) кун давомида амал қилади. Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилаётганда акциядорлар билан биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар расмийлаштирилади.

Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, жойлаштирилмаган акциялар очик обуна орқали сони чекланмаган инвесторлар орасида “Тошкент” Республика фонд биржасининг савдо майдончалари орқали жойлаштирилади.

“Тошкент” Республика фонд биржасида акцияларни жойлаштириш бўйича битимлар, ушбу биржанинг савдо қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш учун андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Акцияларни сақлаш қонунчилиқда белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Ҳужжатсиз қимматли қоғозлар бўйича эгаллик ҳуқуқи ҳисобини юритиш, хизмат кўрсатувчи Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида вакиллик ҳисобварағини очган инвестиция воситачилари томонидан амалга оширилади. Реестрни шакллантириш марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Марказий рўйхатдан ўтказувчи ҳақида маълумот:

Номи – Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси;

Жойлашган жойи ва почта манзили – Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй;

Телефон – (+99871) 267-37-42, факс – (+99871) 267-36-94;
Лицензия – мавжуд эмас;
Ташкилий-хукукий шакли – Давлат унитар корхонаси.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ҳисоби акциялар эгалари ҳуқуқларини ҳисобга олишни амалга оширадиган инвестиция воситачилари томонидан амалдаги қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда олиб борилади.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2023 йил 3 август ҳолатига шакллантирилган банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати 14 (ўн тўрт) кунни ташкил этади.

Банк акцияларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган акциядорларига акцияларни мазкур акциядорларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, акцияларни бозор нархи бўйича сотиб олишни таклиф этади.

Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акциялар сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўланганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим этилиши шарт.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: (акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Қўшимча чиқарилаётган акциялар бозор баҳосида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган баҳода жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддасига асосан акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун

нақдсиз шаклда – пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд пулни банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклда – талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақлари орқали, шу жумладан пластик карталар орқали ҳам амалга оширилади, бунда акциялар учун пул маблағлари аризада кўрсатилган ҳисобвараққа қабул қилинади.

Акциялар учун тўланиши лозим бўлган пул маблағлари Банкнинг 29896000100000491045-сонли - “Бошқа мажбуриятлар” транзит ҳисобварағига амалдаги қонунчиликка мувофиқ қабул қилинади.

Акциялар учун келиб тушган пул маблағлари “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”га (Адлия вазирлигида 2021 йил 26 ноябрдаги 3336-сон билан рўйхатга олинган) асосан 30318-“Чиқарилган устав капитали – Оддий” ҳисобварағида ҳар бир акциядор учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

“Тошкент” Республика фонд биржаси орқали амалга ошириладиган олди-сотди битимлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва муддатлари ушбу биржанинг савдо қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қуйидагича амалга оширилади:

«Трастбанк» ХАБ томонидан ушбу ҳодиса тўғрисида расмий маълумот (Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топиш муҳим факти -28) қонунчиликда ўрнатилган тартибда оммавий ахборот воситаларида, “Трастбанк” ХАБ расмий веб-сайтида (www.trustbank.uz), “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz) ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги махсус веб-сайти негизидаги корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ошкор этилади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган санадан бошлаб, акциялар учун тўланган пул маблағлари инвесторларнинг тегишли ҳисобварақларига 10 (ўн) кун давомида пул кўчириш йўли билан тўлиқ ўтказиб берилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган муддат ва тартибларда оммавий ахборот воситаларида, “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги махсус веб-сайти негизидаги корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг расмий веб-сайтида (www.trustbank.uz) ошкор қилинади.

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг Бош офисида ва ҳудудий филиалларида танишиш мумкин.

Акциядорлар ва потенциал инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар эмиссия рисоласини кўриб чиқиш учун Банк бошқарувиغا ёзма мурожаат қилишлари мумкин. Банк томонидан эмиссия рисоласини кўриб чиқиш учун ҳеч

қандай тўловлар олинмайди ва танишиш учун акциядорлар ва инвесторларга белгиланган тартибда тақдим этилади.

13. Бошқа маълумотлар.

Банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи: “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки; “Трастбанк” ХАБ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1994 йил 25 июнда 44-сон билан давлат рўйхатидан ўтган;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2021 йил 25 декабрда 44-сонли банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилган.

Банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобварағи рақами: 10309000000000491001.

Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти;

Жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 7 уй.

Тўлиқ почта манзили: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 7 уй.

Банк солиқ органининг номи ва СТИР: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Давлат солиқ инспекцияси, СТИР: 201 055 090;

Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар:

| | |
|---|----------|
| КТУТ хос рақами (ОКПО) | 15306785 |
| ИФУТ бўйича асосий фаолият тури (ОКЭД) | 64190 |
| МШТ бўйича мулкчилик шакли (КФС) | 144 |
| ТХШ бўйича ташкилий-ҳуқуқий шакли (КОПФ) | 1150 |
| Манзили (МХОБТ бўйича тўлиқ хос рақами) (СОАТО) | 1726277 |

Тикилган ва рақамланган
7 (*етти*)
варақдан иборат



Recep